

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮСУПОВ ЗАФАРЖОН ЗОИРОВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИГА ЁШ
ГАНДБОЛЧИЛАРНИ САРАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Юсупов Зафаржон Зоирович

Бошланғич тайёргарлик босқичига ёш гандболчиларни саралаш

технологияси.....3

Юсупов Зафаржон Зоирович

Технология отбора юных гандболистов в группы начальной подготовки.....31

Yusupov Zafarjon Zoirovivich

Technology for the selection of young handball players in primary training

groups.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works63

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮСУПОВ ЗАФАРЖОН ЗОИРОВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИГА ЁШ
ГАНДБОЛЧИЛАРНИ САРАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.3. PhD/Ped.482 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uz-diti.uz ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Набиев Тимур Эрикович педагогика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Алламуратов Шухратулла Иноятович биология фанлари доктори, профессор Акрамов Жасур Анварович педагогика фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "22" "декабрь" соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "В" биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211355 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2021 йил "10" "декабрь" куни тарқатилди.
(2021 йил "10" "декабрь" даги 41 рақамли реестр баённомаси).



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда иқтидорли болаларни саралаш ва спортга йўналтириш муаммоси мустақил йўналиш сифатида доимий ўрганиш, такомиллаштириш ва келгуси ишланмалар босқичида турибди. Спортга саралаш муаммоси жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим назарий ҳамда амалий педагогик ва тиббий-биологик муаммоларидан бири ҳисобланади. Спортга лаёқатли болаларни спорт мактабларига саралашнинг асосланган услублари, уларнинг келажакдаги ютуқларини ҳамда спортдаги истиқболлини башоратлаш кўп йиллик тайёргарлик тизимининг ажралмас қисмига айланган. Оқилона саралаш ҳамда спортга йўналтириш тизими қобилиятлар ва табиий иқтидорни, юқори спорт маҳорати даражасига эришишда потенциал имкониятларни ўз вақтида аниқлашга имкон беради.

Жаҳонда бугунги кунда Европанинг кўплаб мамлакатларида гандбол спорт турида малака мезонлари ва йўналишлари бўйича самарали тизимлар ишлаб чиқилмоқда. Гандбол спорт турида аксарият тадқиқотчилар томонидан генлар ва жисмоний иш қобилияти ҳамда ўйин позицияси ва сара ўйинчининг мавжуд ҳолати ўртасидаги ўзаро алоқадорлик бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шуғулланувчиларни спортга саралаш мазмунининг етарли даражада ишлаб чиқилишига қарамай, гандбол спорт турида бошланғич тайёргарлик босқичига қабул қилишда болаларни спортга йўналтириш масалалари юзасидан кўплаб ҳал этилмаган муаммолар мавжуд бўлиб қолмоқда. Ёш спортчиларнинг индивидуал хусусиятларини объектив баҳолаш, уларни саралаш, педагогик, тиббий-биологик, психологик ва социологик услублардан фойдаланган ҳолда комплекс тадқиқотлар жаҳонда гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралаш технологиясини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни спортга жалб қилиш ва ёшлар орасидан йирик халқаро мусобақаларда давлатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган иқтидорли спортчиларни саралаб олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш Концепциясида белгиланишича, жисмоний тарбия ва спорт тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири “жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шаффоф тўрт босқичли: ташкилот-туман (шаҳар)-худуд-республика тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” ҳамда “иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва ёшлар терма жамоаларига захира яратиш”¹ зарурияти белгилаб берилган. Олдинга қўйилган вазифаларни бажариш мукамал спортга саралаш технологияларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси”. Б. 9-10.

ишлаб чиқишни тақозо этади. Спортга саралаш муаммоси, айниқса бошланғич босқичда энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади, бу ерда иккита муҳим вазифа ҳал қилинади: болаларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш ва энг иқтидорлиларни БЎСМга қабул қилиш учун танлаб олиш. Спортчининг потенциал спорт натижаси жисмоний ривожланишнинг дастлабки даражасидан кўра, кўпроқ бу сифатларнинг махсус машғулотлар жараёнида ўсиш суръатларига боғлиқ. Айнан ўсиш суръатлари боланинг у ёки бу спорт фаолияти турида ўқиб-ўрганишга бўлган қобилиятини кўрсатиб беради. Бошланғич саралаш жараёнида ҳаракат имкониятлари даражасини баҳолаб берувчи педагогик тестлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тезлик-куч сифатлари, координацион қобилиятлар ва чидамликни баҳолашга ёрдам берувчи тестларга алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Шунингдек, спорт машғулотларига бўлган қатъий қизиқишни шакиллантириш масалаларини ҳал этиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги 65-сонли “Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш соҳасидаги бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда гандбол спорт тури тобора ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида, иқтидорли болаларни саралаб олиш, уларни спортга йўналтириш ва кўп йиллик тайёргарликда уларни мунтазам саралаб бориш технологияларини ишлаб чиқиш спорт назарияси ва услубияти соҳасидаги муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда, бир қатор муаллифларнинг [Е.О.Савинков, В.П.Губа, В.Я.Игнатъева, М.С.Бриль, В.П.Филин, В.К.Бальсевич, В.Г.Никитушкин, П.В.Квашук] фикрича, гандбол спорт тури билан шуғулланишни барча ёшдаги болалар учун тавсия этиш мумкин бўлиб, бу, ўз навбатида, спортчиларнинг кўп йиллик тайёргарлик тизимида бошланғич ва ундан кейинги танлов тизимини такомиллаштиришни ўз ичига олади². Юқори спорт

² Савинков Е.О. Нормативные основы физического развития и физической подготовленности гандболистов различного игрового амплуа на возрастных этапах: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. -М., 2002. - 21 с. Губа В.П. Актуальные проблемы современной теории и методики определения раннего спортивного таланта.

кўрсаткичларига эришиш кўп жиҳатдан шахснинг жисмоний ва ақлий қобилиятлари ривожланиши даражасига боғлиқ бўлиб, бу спорт учун муҳим бўлган сифатлар юқори даражада ривожлаган шахсларни танлаш имкониятини англатади. Шу муносабат билан бошланғич босқичларда бирламчи саралаш масалаларига доир илмий изланишлар бир қатор мутахассислар [Ф.А.Абдурахманов, В.А.Лемешков, А.Н.Ливицкий, Я.И.Яроцкий, Ш.К.Павлов, Ж.А.Акрамов] томонидан олиб борилган³.

Хорижий етакчи олимларнинг [В.М.Волков, В.П.Филин, Р.Р.Кузнецов, В.П.Губа, А.В.Гаськов, О.Ю.Колмакова, Л.П.Сергиенко] таъкидлашича, энг қобилиятли болаларни танлаш учун турли хил мезонлардан фойдаланилади, ammo кўп ҳолларда бу мезонлар бир томонлама ёки субъективдир⁴. Кўпинча саралаш ўз-ўзидан амалга оширилади ёки энг яхши ҳолатда тренерлар болалар томонидан назорат ўйинларида намоёйиш этилган техник ва тактик кўникмаларнинг аллақачон шаклланган даражасига амал қилишади. Болаларнинг потенциал имкониятлари саралашда умуман эътиборга олинмаслиги эътироф этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, 7-9 ёшли болаларни гандбол билан шуғулланиши учун ўқув-машгулот гуруҳларига саралашда уларнинг жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш, бунинг учун саралаш технологиясини такомиллаштириш, назорат меъёрлари мезонларини аниқлаш ҳамда гандбол спорт тури учун хос жисмоний ривожланиш, жисмоний ва техник тайёргарликни таъминловчи махсус машқлар комплексларини ишлаб чиқиш ўта долзарб ва муҳим ҳисобланади. Айнан шу тадқиқотларимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг № V/I.19. “Ўзбекистонда гандбол, теннис, бадминтон, регби спорт турининг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 7-9 ёшли ёш гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралаш технологиясини такомиллаштириш ва уни

//Теория и практика физ. культуры. –М.: 2000. № 9. - С. 28-31. Игнатъева В.Я. Гандбол. Азбука спорта. – М.: ФиС, 2001. С. 63-66. Бриль М. С., Филин В.П. Перспективы совершенствования системы отбора юных спортсменов //Теория и практика физ. культуры. –М.: 1982. № 8. - С. 30-32. Бальсевич В.К. Спортивный вентор физического воспитания в российской школе. - Москва. НИЦ, 2006.-112 с. Никитушкин В.Г, Квашук П.В, Бауэр В.Г. Организационно методические основы подготовки спортивного резерва. - Москва. Советский спорт, 2005. –232 с.

³ Абдурахманов Ф.А, Лемешков В.А, Ливицкий А.Н, Павлов Ш.К, Яроцкий Я.И. Подготовка гандболистов. – Тошкент. УзГИФК, 1992. - 230 с. Павлов Ш.К, Абдурахманов Ф.А, Акрамов Ж.А. Гандбол. – Т.: ЎзДЖТИ, 2005. Б. 80-91.

⁴ Волков В.М., Филин В.П. Спортивный отбор. – М.: ФиС, 1983. –176 с. Гаськов А. В., Колмакова О. Ю. Современные методы спортивного отбора на примере дерматоглифики. //Физическая культура и спорт в условиях глобализации образования: материалы I меж. науч. прак. конф. – Чита, 2013. - С. 179-182. Губа В. П. Теория и практика спортивного отбора и ранней ориентации в видах спорта: монография. - М.: Советский спорт, 2008. - 304 с. Кузнецов Р.Р. Критерии спортивного отбора детей 7-9 лет в группы начальной подготовки по футболу и мини-футболу //Спортивные игры в физическом воспитании, рекреации и спорте: материалы X Международной научно-практической конференции. – Смоленск, 2016. – С. 65-69. Сергиенко Л.П. Спортивный отбор (теория и практика) Монография. – М.: 2013 г. 126 б.

қўллаш бўйича амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гандболчиларни саралашда жисмоний сифатларни аниқлаш учун тўп билан бажариладиган ҳаракатларда қўл ва оёқларнинг реакция вақти ва вазиятга мувофиқ техник ҳаракатларни танлаб реакция қилиш вақтини тавсифлаш;

7-9 ёшли гандболчиларни саралашда, координацион қобилиятларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, шуғулланувчилар томонидан махсус жисмоний, техник, тактик тайёргарликдаги элементларнинг ўзлаштирилишини уйғунлаштириш;

7-9 ёшли гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралаб олиш жараёнида спортчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги, жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг сенситив давридан келиб чиқиб, тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушакларининг статик мувозанатини яхшилашнинг ёш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

гандбол спорт турининг бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гандболчиларнинг жисмоний ва функционал тайёргарлик имкониятларидан келиб чиқиб, иқтидорли ёш спортчиларнинг тўрт босқичли саралаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек, Яккасарой туманларида жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг гандбол гуруҳида 7-9 ёшли болаларни бошланғич тайёргарлик гуруҳларига саралаш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети 7-9 ёшдаги болаларни гандбол спорт турига бошланғич саралаш воситалари ва мезонлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик кузатувлар, морфофункционал тадқиқот услублари, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, эксперт баҳолаш услуби, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гандболчиларни саралашда жисмоний сифатларни аниқлаш учун тўп билан бажариладиган ҳаракатларда қўл ва оёқларнинг реакция вақти ҳамда вазиятга мувофиқ техник ҳаракатларни танлаб реакция қилиш вақтини тавсифлаш ҳисобига махсус сифатлар бўйича танлаш имкониятлари кенгайтирилган;

7-9 ёшли гандболчиларни саралашда координацион қобилиятларни ривожлантириш учун шуғулланувчилар томонидан махсус жисмоний, техник, тактик тайёргарликдаги элементларнинг ўзлаштирилишидан келиб чиқиб, моделларни уйғунлаштириш ҳисобига мажмуавий саралаш имконияти такомиллаштирилган;

7-9 ёшли гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралаб олиш жараёнида спортчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини, жисмоний сифатларни ривожлантиришнинг сенситив давридан келиб чиқиб, тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушакларининг

статик мувозанатини яхшилашнинг ёш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш эвазига спортчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралаш имконияти кенгайтирилган;

гандбол спорт турида бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гандболчиларнинг жисмоний ва функционал тайёргарлик имкониятларидан келиб чиқиб, иқтидорли ёш спортчиларни саралаш учун тўрт босқичли саралаш технологиясини ишлаб чиқиш эвазига 7-9 ёшли гандболчиларни дастлабки саралаш имкониятлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

7-9 ёшли гандболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги тест синовлари орқали аниқланган;

ёш гандболчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини ҳар томонлама баҳолаш, бирламчи саралаш ва келгуси натижаларни башорат қилиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

ёш гандболчиларни бошланғич тайёргарлик гуруҳларига саралаш технологияси такомиллаштирилган;

такомиллаштирилган технология БЎСМлар учун мўлжалланган ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритишга асос бўлади, гандбол мутахассислари ва тренерларга бошланғич саралашни илмий-услубий ташкил қилишда амалий ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий назариялар, спорт амалиётида мавжуд қоидаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқотнинг илмий ташкил этилганлиги билан тасдиқланади, қўлланилган тадқиқот услублари комплекси тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мослиги, катта далилий материалларнинг юқори даражадаги ишончлилиги, тўғри ишлаб чиқилганлиги, таҳлил қилинганлиги ва талқин этилганлиги билан изоҳланади, олинган натижаларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги аниқ ҳамда ишончли педагогик ҳамда қўшимча ўзаро тўлдирувчи, яъни тиббий-биологик тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги билан таъминланган, тадқиқот натижалари математик статистика услублари ёрдамида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган бошланғич тайёргарлик босқичига ёш гандболчиларни саралаб олиш технологияси самарадорлигининг илмий-назарий моҳияти очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, гандбол спорт тури бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг бошланғич тайёргарлик босқичига қабул қилишда болаларни спортга саралаш ва йўналтириш технологияси гандбол назарияси ва услубиятини тўлдиради, болаларни спортга саралашнинг тажрибада асосланган технологияси спорт таълим муассасаларининг ўқув-машғулот гуруҳларига қабул қилишда самарадорли қўлланилиши тажрибада синалган ва жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гандболда болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик гуруҳига

иктидорли болаларни саралаш технологиясини жорий этиш асосида:

бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гандболчиларни саралаш учун қўлланиладиган техник ҳаракатларнинг реакция вақтини тавсифлаш бўйича таклифлар “Гандбол назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғига асосан 247-278 рақамли гувоҳнома). Натижада бошланғич тайёргарлик гуруҳига саралаб олиш жараёнида техник тайёргарлик бўйича олтига тест кўрсаткичи 18,9%га ошган;

гандболчиларни саралашда координацион қобилиятларни ривожлантириш учун барча тайёргарлик элементларини моделлар асосида уйғунлаштириш бўйича таклифлар Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўқув-машғулоти жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 02-07-08-2057-сон маълумотномаси). Натижада координацион қобилиятлар бўйича саралаш имконияти 18%га ошган;

7-9 ёшли гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралашда тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушакларининг статик мувозанатини яхшилаш бўйича таклифлар “Гандбол назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғига асосан 247-278 рақамли гувоҳнома). Натижада тўпни дарвозага йўллаш, тўпни юқоридан узатиш техникаси элементларини ўргатишда тайёрлов, ривожлантирувчи ва кўмаклашувчи машқлардан (соябонли шчитга тўп отиш, 4 метр масофадан дарвозанинг чап ёки ўнг томонидан “тўққиз”га тўп отиш, 1-комплекс ва 2-комплекс машқлар) фойдаланиш ёш гандболчилар техник тайёргарлигининг 25 %га ошишига хизмат қилган;

7-9 ёшли болаларни бошланғич тайёргарлик гуруҳларига қабул қилиш бўйича ишлаб чиқилган саралаш технологияси Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 2-сонли БЎСМ гандбол бўлими ўқув-машғулоти жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 02-07-08-2057-сон маълумотномаси). Натижада 7-9 ёшли гандболчиларда координацион қобилиятларнинг ривожланиш даражаси 22% га, қўл кучи 25% га, тезлик-куч қобилиятлари 28% га, эгилувчанлик 20% га яхшиланган. Шунингдек, ёш гандболчиларнинг техник тайёргарлиги кўрсаткичлари ўсган: соябонли шчитга тўп отиш 24% га, 4 метр масофадан дарвозанинг чап ёки ўнг томонидаги “тўққиз”га тўп отиш 28% га, 1-комплекс (слалом ҳаракати) 25% га, 2-комплекс машқлари 28% га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулосалар ва амалий тавсиялардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этади, 11 та расм, 10 та жадвал билан ёритилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, унда хорижий ва ватанимиз олимларининг тадқиқотлари натижалари ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот предмети ва объекти аниқлаб берилган. Бажарилган ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқот янгилиги очиб берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги исботланган. Бажарилган тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шакллантирилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш шакллари кўрсатилган, чоп этилган ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши борасидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гандболчиларни спортга саралаш муаммосининг илмий-услубий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида спорт фанининг назарий муаммолари таҳлилий шарҳи ўтказилган бўлиб, унинг ривожланиш методологияси аниқланган ҳамда хорижий мамлакатларда муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ёритилган. Мазкур бобда қуйидаги масалалар муҳокама қилинган: болалар-ўсмирлар спорт мактабларига истеъдодли болаларни саралаб олиш, шунингдек, уларнинг келажақда истиқболини башорат қилишнинг илмий асосланган услублари асосида бошланғич тайёргарлик босқичидан то олий спорт маҳорати босқичигача тайёрлаш тизимининг узвийлиги.

Спортда саралаш муаммоси бугунги кунда бевосита шу спорт турининг оммавийлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, айрим маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда айрим спорт турларида оммавийликнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда.

Аксарият ҳолларда БЎСМнинг гандбол спорт турига қабул қилинган шуғулланувчиларнинг ўқув-машғулотларнинг биринчи йилидаёқ айрим сабабларга кўра уни эрта ташлаб кетиши кузатилмоқда. Истеъдодли шуғулланувчиларнинг спортдан эрта кетишининг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири болалардаги мавжуд кўрсаткичларнинг спорт тури хусусиятларига мос келмаслигида ўз ифодасини топмоқда.

Сўнгги йилларда болаларнинг оммавий спорт билан шуғулланиши сусайиб бораётган бир пайтда, спорт мактабларида маълум бир спорт тури билан шуғулланишни хоҳловчилар сони бошланғич тайёргарлик гуруҳларидаги сезиларли даражада бўш ўринлардан анча кам бўлган вақтларда саралашга зарурат бўлмайди.

Бундай вазиятларда спортга йўналтиришнинг ва спортда саралашнинг

аҳамияти ортади, у ҳар бир болага гуруҳлаштирилган машғулотлар учун унинг қизиқишлари ҳамда табиатан мавжуд мойилликларига мувофиқ ҳолда мос спорт фаолияти турини танлашга имкон беради.

Спортда саралаш муаммосининг бугунги кунда оммавийлиги натижаларнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, айрим маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда айрим спорт турларида оммавийликнинг пасайиши кузатилмоқда. Ф.А.Керимов, Т.С.Усмонхўжаевларнинг таъкидлашича, спортда оммавийликнинг пасайиши кўпроқ спорт ихтисослигининг нотўғри танланиши билан боғлиқ. В.К.Бальсевич, Ю.Ф.Курамшинларнинг таъкидлашича, юқори спорт натижасига эришиш учун камида иккита шартнинг уйғунлигини ҳисобга олиш зарур: шуғулланувчиларнинг тегишли қобилияти, яъни мазкур фаолият турига нисбатан мойиллигини белгилаб берувчи организмнинг ирсиятга боғлиқ хоссаларининг мавжудлиги ва спорт машғулоти жараёнида уларнинг максимал тарзда руёбга чиқарилиши.

М.А.Годик, В.И.Лях, И.Н.Алешин, В.В.Рибаковларнинг эътироф этишича, бундай вазиятларда спортга йўналтириш ва саралашнинг аҳамияти ортади, у ҳар бир болага гуруҳлаштирилган машғулотлар учун унинг қизиқишлари ҳамда табиатан мавжуд мойилликларига мувофиқ ҳолда мос спорт фаолияти турини танлашга имкон беради.

Спортда устувор етакчиликка даъвогар мамлакатларнинг деярли барчаси спортга танлаш ва саралашга оид ўз тизимини жадаллик билан ишлаб чиқмоқда. Ҳозирги кунга келиб спорт бўйича Европа, Осиё ва Шимолий Америкада спортга саралаш ва йўналтириш бўйича яхши ишлаб чиқилган тизимлар мавжуд. Бу таркибга Австралия ва Африка тизимларини ҳам киритиш мумкин.

Проведённый теоретический анализ научно-методической и специальной литературы позволил определить проблему исследования, заключающуюся в отборе детей по гандболу в группах начальной подготовки детско-юношеских спортивных школ.

Илмий-услубий ва махсус адабиётларнинг ўтказилган таҳлили тадқиқот муаммосини аниқлашга имкон берди, у ёш болаларни болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг гандбол спорт тури бўйича бошланғич тайёргарлик гуруҳларига саралашни самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, антропометрия, эксперт баҳолаш услуби, педагогик тажриба ва математик статистика услублари ҳамда тадқиқотнинг ташкил қилиниши юзасидан маълумотлар баён этилган. Педагогик тажриба ўтказиш асосан уч босқичда амалга оширилди .

I босқич (2016-2018 йиллар) – болаларни гандбол спорт тури билан шуғулланишга бошланғич саралашга доир махсус, илмий-услубий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, гандбол спорт тури бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаби ва болалар-ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаб-интернатлари

учун ишлаб чиқилган дастурлар ўрганилди, соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари қиёсий таҳлил қилинган ҳолда умумлаштирилди.

Биринчи босқичда олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида илмий тадқиқотимизнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Мазкур муаммони ҳал қилиш бўйича амалиёт ўрганилди, спорт машғулоти назарияси ва амалиётида тадқиқ қилинаётган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган мавжуд чора-тадбирлар белгилаб олинди ва асосий, яъни иккинчи босқич учун зарур бўлган йўналиш танлаб олинди.

II босқич (2018-2019 йиллар) давомида тадқиқотлар Тошкент шаҳар Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг гандбол бўлими бошланғич тайёргарлик гуруҳида олиб борилди.

Тадқиқотларга гандбол спорт тури билан шуғулланувчи 7-9 ёшли болалардан 114 нафари жалб қилинди. Тадқиқотга жалб қилинган синалувчилар тенг икки гуруҳга: тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди.

Болалар-ўсмирлар спорт мактабининг гандбол бўлими бошланғич тайёргарлик гуруҳидаги шуғулланувчиларга ёш гандболчиларнинг келажакдаги истиқболини баҳолаш юзасидан ишлаб чиқилган услубият самарадорлигини аниқлаш мақсадида дастлабки жорий тажрибалар ўтказилди.

Ўтказилган жорий тадқиқотда 7-9 ёшдаги ўғил болаларнинг морфологик белгилари, жисмоний ва психо-физиологик сифатларининг ахборотли кўрсаткичлари комплекси ўрганилди.

III босқичда (2019-2020 йиллар) педагогик тажриба ўтказилди. Педагогик тажрибага 7-8-9 ёшли гандбол спорт тури билан шуғулланувчилар тажриба ва назорат гуруҳларига (ҳар бир гуруҳда 40 нафардан спортчи) жалб қилинди. Учинчи даврда асосий педагогик тажрибалар олиб борилди, жумладан, 7-9 ёшли шуғулланувчиларнинг жисмоний ва техник ҳаракатланиш имкониятлари баҳоланди.

Тайёргарлик босқичида назорат ва тажриба гуруҳларига киритилган 7-9 ёшдаги гандболчиларнинг ўйин ҳаракатларини эгаллашга бўлган келажакдаги истиқболини баҳолаш юзасидан ишлаб чиқилган услубиятдан фойдаланган ҳолда педагогик тажриба ўтказилди.

Диссертациянинг **“Бошланғич тайёргарлик босқичига ёш гандболчиларни саралаш технологияси”** деб номланган учинчи бобида тренер-ўқитувчилар орасида ўтказилган анкета сўровномаси натижалари бўйича шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги тузилмаси очиб берилган. Спортчиларни тайёрлашда тренер-ўқитувчиларнинг муваффақиятли саралаш масалаларини тадқиқ қилиш мақсадида 42 та турли вилоятлар ва туманлардан гандбол бўйича тренер-ўқитувчилар (42 нафар тренер-ўқитувчи иштирок этди) билан ўтказилган анкета сўрови натижалари таҳлили қўйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди. “Сизнинг фикрингизча, спорт билан шуғулланиш учун саралаш ишларини қачондан бошлаш керак?”, деган саволга респондентларнинг 4,8% гандбол спорт турига саралаш мактабгача таълим муассасаларидан бошланиши керак, 4,8% айнан 2-синфдан бошлаш керак, 61,8% эса гандбол спорт турига

саралашни 1-4-синфлардан бошлаш керак, 19% респондентлар ҳам 1-4 синфлардан бошлаш керак, фақат чуқурлаштирилган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини эътироф этишган. Бундан кўринадики, респондентларнинг аксарият қисми гандбол спорт тури бўйича шуғулланишни 1-4 синфлардан бошлаш керак ва айримлар чуқурлаштирилган ҳолда шуғуллантириш лозим деб ўйлади.

Саралаш ишларини муваффақиятли олиб бориш учун тренер қандай фазилатларга эга бўлиши зарурлиги анкета орқали аниқланди. 7-9 ёшдаги ёш гандболчиларни бошланғич саралаб олиш учун ахборотли мезонлар комплексини аниқлаш мақсадида махсус тадқиқот ўтказилди. Замонавий гандболда ўйин ҳаракатларининг юқори суръати, ўйин вазиятларининг тез ўзгариши, тўпни эгаллаб туриш вақтининг чекланганлиги, эмоционаллик ва бу ўйиннинг бошқа хусусиятлари шуғулланувчиларнинг тайёргарлигига юқори талаблар қўяди.

Сўнгги йилларда ўйин янада жадаллашди бу, биринчи навбатда, манёвр олиб боришнинг кучайганлигида, ўйинчиларнинг тез ҳаракатчанлигида, тўп учун ёки майдоннинг ҳар бир қисмидан жой эгаллаш учун жадал курашга киришишида намоён бўлмоқда. Рақибларнинг фаол қаршилиги, ҳаракатларнинг юқори тезликда бажарилиши ва кураш олиб бориш техник тактик воситаларининг мураккаблиги оқибатида юзага келган катта асаб–психик зўриқиш спорт–ўйин фаолиятини янада мураккаблаштиради. Гандболчиларнинг мусобақа фаолияти самарадорлигини ошириш бир қатор тайёргарлик кўрсаткичларининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Спорт ихтисослигини эрта босқичда мос танлаш ўта муҳим, зеро бу танлов организмнинг генетик захираси тугаши сабабли спорт маҳорати ўсишининг тўхтаб қолишига олиб келмаслиги керак.

Ёш гандболчиларнинг иқтидорини ташхислашга муҳим даражада таъсир қилувчи бир қатор мезонлар катта аҳамиятга эга. Мезонларга муайян қобилиятларнинг сифат-сон тавсифлари киради. Бироқ максимал тўлиқ ахборотни тўплаш техник жиҳатдан қийин. Шунинг учун долзарб илмий вазифа бошланғич саралаш жараёнида комплекс баҳолашнинг етарли минимумини аниқлашдан иборат.

Спортда саралаш муаммосининг бугунги кунда оммавийлиги спорт натижаларининг ўсиши билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга, сўнгги йилларда айрим спорт турларида оммавийликнинг пасайиши кузатилмоқда, спортда оммавийликнинг пасайиши кўпроқ спорт ихтисослигининг нотўғри танланиши билан боғлиқ. 9-18 ёшдаги мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган сўровномада шу аниқланганки, спорт ихтисослигининг танланиши кўп ҳолларда тасодифий тарзда содир бўлади.

Саралаш пайтида болаларнинг қобилиятлари ҳам бир хил ёрқин ифодалаган бўлмайди. Бу, биринчи навбатда, уларнинг ҳаракат режими, ўсиш суръатлари, ижтимоий ва бошқа омилларнинг бир–биридан фарқ қилиши билан боғлиқ.

7-9 ёшли гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралашда жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун қўл ва

оёқларнинг реакция вақти ва вазиятга мувофиқ техник ҳаракатларда танлаб реакция қилиш вақтининг ривожланиш мезонларининг назарий модели такомиллаштирилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

7-9 ёшли иқтидорли гандболчиларнинг жисмоний сифатларини аниқлаш учун реакция вақти ва вазиятга мувофиқ қўл ва оёқлар техник ҳаракатларининг ривожланиш меъёрлари назарий модели

Махсус сифатлар	Махсус хусусиятлар, қобилиятларнинг намоён бўлиши	Мезонлар, тестлар, услубиятлар
Тезкорлик, чаққонлик	Ҳаракатланишлар тезкорлиги, реактивлик	Юқори стартдан 30 м югуриш
	Ҳаракатланиш чаққонлиги, реактивлик	3×10 м моқисмон югуриш
Куч	Тўпни дарвозага отиш	Тўлдирма тўпни улоқтириш
	Тўпни шеригига узатиш	Теннис коптогини улоқтириш
Қўл ва оёқларнинг реакция вақти	Тўпни қабул қилиш	Реаксометр (чизик) тест меъёри
	Техник ҳаракатларда қисқа вақт ичида тўпни бошқариш	Тўпни ушаб олиш тест меъёри
	Қисқа вақт ичида тўпни узатиш	Реакцион “Cackle” тести

Спортга саралаш масаласини ҳал этишда комплекс ёндашув тамойили нафақат кенг кўламли маълумот олишга, балки махсус қобилиятларни шакллантириш мумкинлиги нуқтаи назаридан ҳар хил ҳаёт фаолияти соҳаларига тааллуқли бўлган кўрсаткичларни таққослашга имкон беради. Шахсининг барча сифатлари ва хоссалари бир-бири ва ўйин фаолияти самарадорлиги билан мураккаб муносабатда бўлади. Шунингдек, улар спорт тайёргарлиги жараёнида ўзгаришларга учрайди. Муносабатлар ва ўзгарувчанлик қонуниятлари саралашда қобилиятларни тўғри ва ўз вақтида баҳолашга йўналтиради.

Спортга саралаш технологиясини такомиллаштиришда спорт машғулоти вазифаларини босқичма-босқич ва ёш гандболчилар бошланғич тайёргарлигининг якуний вазифаларини самарали ҳал этиш мақсадида шуғулланувчиларнинг истиқболини аниқлаш воситалари ва усуллари билан самарали фойдаланган ҳолда шуғулланувчилар имкониятларини баҳолаш услублари, усуллари сифатида уни тушуниш бошланғич позиция бўлди.

7-9 ёшли гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралаб олиш жараёнида спортчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини, жисмоний сифатларини ривожлантиришнинг сенситив даврини инобатга олган ҳолда тананинг ҳаракат тезлиги ҳамда гавда мушакларининг статик мувозанатини яхшилашнинг ёш кўрсаткичлари ҳамда бошланғич тайёргарлик босқичига спортчиларни саралаш жараёнида жисмоний сифатларнинг жадаллик билан ривожланиш даврлари ишлаб чиқилди (2, 3-жадвалларга қаранг).


Бошланғич тайёргарлик босқичига 7-9 ёшдан спортчиларни саралашда ҳаракат сифатларини ривожлантириш учун намунавий қулай давр

Морфофункционал кўрсаткичлар ва жисмоний сифатлар	Ёши		
	7	8	9
Гавда узунлиги	+	+	+
Мушаклар ҳажми	+	+	+
Тезлик	+	+	+
Тезкор-куч сифатлари		+	+
Куч		+	+
Чидамлилиқ	+	+	
Анаэроб имкониятлар	+	+	+
Эгилувчанлик	+	+	
Координацион қобилиятлар	+	+	+
Мувозанат сақлаш		+	+

Бошланғич тайёргарлик босқичига спортчиларни саралаш жараёнида жисмоний сифатларнинг жадаллик билан ривожланиш ДАВРЛАРИ

Гуруҳ	Жисмоний сифатлар	Ёш давлари
Болалар	Оёқлар ва тананинг ҳаракат тезлиги	7-8
	Гавданинг статик мувозанати	9
	Тезлик-куч сифатлари	7-9
	Қўлларни букувчи мушакларнинг статик мувозанати	8-9
	Гавдани букувчи мушакларнинг куч (динамик) чидамлилиги	8-9
	Гавдани ёзувчи мушаклар кучи	9
	Умумий чидамлилиқ	8
	Умуртқа поғонасининг эгилувчанлиги	7

7-9 ёшли гандболчиларни саралашда координацион қобилиятларнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, шуғулланувчилар томонидан махсус жисмоний, техник, тактик тайёргарлик элементларининг ўзлаштирилиши, шунингдек, комплекс саралаш имкониятини такомиллаштириш мақсадида координацион қобилиятларни уйғунлаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. 7-9 ёшли гандболчиларни саралашда координацион қобилиятларни уйғунлаштириш модели

Бошланғич тайёргарлик босқичида ёш гандболчиларни спортга саралашнинг тажрибавий технологияси тузилмасига кўра, иқтидорли ва истиқболли ёш гандболчиларни саралаш технологияси тўртта асосий компонентларни (босқичларни) ўз ичига олади:

1) мақсад – модель; 2) ташхис – диагностика; 3) таҳлил – аналитика; 4) баҳолаш ва башорат қилиш (2-расмга қаранг).

Ушбу технологияга мувофиқ ёш гандболчиларнинг бошланғич тайёргарлик босқичидан олдин кўп йиллик саралашнинг биринчи босқичи – бирламчи саралаш келади. Дастлабки саралашнинг асосий вазифаси шуғулланувчиларнинг ёши, шуғулланиш истагининг борлиги, саломатлик ҳолатида жиддий нуқсонларнинг йўқлиги ҳамда ҳаракат қобилиятларининг ўйин талабларига мос келишини инobatга олган ҳолда гандбол билан шуғулланишнинг индивидуал мақсадга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Ўтказиш учун мўлжалланган назорат тестлари машқларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улар ўз ҳажми ва кўрсаткичлари бўйича гандбол ўйини учун қўйиладиган ҳозирги замон талабларига бемалол жавоб беради, чунки улар ҳаракат малакаларини ҳосил қилиш асосида боланинг жисмоний қобилиятларини аниқлашга ҳолисона ёрдам беради.

Бошланғич тайёргарлик босқичига ёш гандболчиларни саралашга қўйидаги компонентлар киради:

1) антропометрик кўрсаткичлар (тана узунлиги, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси, ўнг қўл панжа кучи, чап қўл панжа кучи, ўпканинг тириклик сиғими);


2) жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари (юқори стартдан 30 м югуриш 3×10 м моқисмон югуриш, тўлдирма тўпни улоқтириш (1 кг), турган жойдан узунликка сакраш, 150 гр кичик теннис коптогини улоқтириш, олдинга эгилиш, бир оёқда мувозанат сақлаш);

3) техник кўрсаткичлар (соябонли шчитга тўп отиш, дарвозага 4 метр масофадан “тўққиз”га тўп отиш, 1- комплекс, 2- комплекс, Траншея).

Шундай қилиб, педагогик тажриба жараёнида бошланғич тайёргарлик гуруҳларга ёш гандболчиларни саралашда қўлланилган технология ўзининг самарадорлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Бошланғич тайёргарлик босқичига ёш гандболчиларни саралаб олиш технологиясини қўллаш самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи бобида ёш гандболчиларни саралаш технологияси самарадорлиги асослаб берилган.

Аниқланишича, 7-9 ёшли гандболчиларнинг бошланғич тайёргарлик босқичида аниқланган ахборотли мезонлар уларнинг таркиби учун хосдир. Улардан тегишли спортга саралаш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тажрибавий спортга саралаш технологиясининг ўзига хос хусусияти шуки, бошланғич тайёргарлик босқичида саралаш мезонлари жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашда қўлланилади. Ёш гандболчилар ўқув-машқ машғулоти босқичига ўтаётганда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича саралаш мезонларининг самарадорлиги муҳокама қилинган.



2-расм. Иқтидорли ёш спортчиларни 7-9 ёшдан гандбол спорт турига саралаш учун тўрт босқичли саралаш технологияси

Шу билан бирга, бошланғич тайёргарлик босқичидан бошлаб барча кейинги босқичларда саралаш мезонлари таркибига ёш гандболчиларнинг ўйин шароитларидаги техник ҳаракатлари кўрсаткичлари киритилади.

Жисмоний тайёргарлик даражаси организм асосий тизимларининг функционал ҳолати кўрсаткичлари ҳисобланади. Бошланғич машғулотларда спорт машғулотига тайёрлаш жараёни амалга оширилади.

Педагогик тажриба охирида 7-9 ёшли гандболчиларнинг техник ҳаракатлардаги қўл ва оёқларнинг реакция вақти ва вазиятга мувофиқ танлаб реакция қилиш вақти кўрсаткичлари Реаксометр (чизик) тест меъёри, Реакцион “Саскле” тести, тўпни ушлаб олиш тести бўйича тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида ишончли фарқлар [$p < 0,05$] кузатилди (4-жадвалга қarang).

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги 7-9 ёшли гандболчиларнинг реакция вақти ўрганилганда тажриба гуруҳидаги ўғил болаларда назорат гуруҳидаги болаларникига нисбатан сезиларли ўзгаришлар юз берди. Хусусан, тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида олдинга эгилиб тўп отиш, Реаксометр (чизик) тести, Реакцион “Саскле” тести, тўпни ушлаб олиш каби тестлар бўйича статистик фарқ кузатилди.

Тажриба ва назорат гуруҳлари 8 ёшли гандболчилари ўртасида ҳаракатларда қўл ва оёқларнинг реакция вақти ва вазиятга мувофиқ танлаб реакция қилиш вақтининг ривожланганлик даражаси ўрганилганда тажриба гуруҳидаги ёш гандболчиларда назорат гуруҳидаги ёш гандболчиларникига нисбатан сезиларли ўзгаришлар борлиги аниқланди. Тажриба охирида жисмоний ривожланиш бўйича тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида тана узунлиги, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси, ўнг ва чап қўл панжа кучи, ўпканинг тириклик сиғими бўйича статистик фарқлар кузатилди [$p < 0,05$].

Тажриба ва назорат гуруҳлари 9 ёшли гандболчилари ўртасида техник ҳаракатларни бажаришда қўл ва оёқларнинг реакция вақти ва вазиятга мувофиқ танлаб реакция қилиш вақтининг ривожланганлик даражаси ўрганилганда тажриба бошида олинган натижаларга нисбатан тажриба охирида тажриба гуруҳи ёш гандболчиларида олинган натижалар назорат гуруҳидаги ёш гандболчиларникига нисбатан сезиларли ўзгаришларга эга бўлди. Жумладан, тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги Реаксометр (чизик) тести меъёри, Реакцион “Саскле” тести, тўпни ушлаб олиш тести бўйича статистик фарқлар борлиги ўтказилган тадқиқотларда аниқланди [$p < 0,05$].

Хулоса қилиб, шуни айтиб ўтиш керакки, биз томонимиздан тажриба гуруҳи ёш гандболчиларининг машғулотлар жараёнида ҳаракатларда қўл ва оёқларнинг реакция вақти ва вазиятга мувофиқ танлаб реакция қилиш вақти кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган жисмоний тайёргарликни ривожлантириш воситаларининг қўлланилиши ва машғулот жараёнига жорий этилиши самарадорликни оширишга хизмат қилади.

**Ҳаракатларда қўл ва оёқларни реакция вақти ва вазиатга нисбатан техник ҳаракатларни танлаб реакция қилиш
вақтинининг кўрстакчилари**

Т/р	Кўрстакчилар	Ўлчўв бирлиги	7 ёш				8 ёш				9 ёш			
			НГ	ТГ	t	p	НГ	ТГ	t	p	НГ	ТГ	t	p
1	Реаксометр (Линейка) тест месёри	см	44,5±5,0	44,6±5,3	0,22	>0,05	43,4±4,2	42,4±1,5	1,84	>0,05	38,5±5,2	38,9±4,6	2,16	<0,05
			38,4±1,6	35,2±2,0	1,76	>0,05	36,5±0,6	32,8±0,3	2,72	<0,05	32,6±0,6	24,4±0,9	2,86	<0,05
2	Реакцион “Сackle” тест	мс	310,5±0,3	311,2 ±0,8	0,38	>0,05	295,8±0,3	296,7 ±0,4	1,32	>0,05	280,6±0,4	281,5±0,7	0,78	>0,05
			285,8±0,1	260,7±0,7	0,73	>0,05	272,6±0,1	251,5±0,3	2,28	<0,05	262,2±0,1	230,7±0,2	2,62	<0,05
3	Тўлни ушаб олиш тест месёри	см	75,4±2,2	75,2±0,9	1,52	>0,05	68,7±0,5	67,8±0,1	2,02	>0,05	58,6±0,2	57,3±0,2	2,06	>0,05
			70,7±0,9	67,8±0,6	1,78	>0,05	59,60,6	53,3±0,9	2,31	<0,05	51,8±0,4	46,0±0,5	3,16	<0,01

**Изоҳ: Сурагда - тажрибадан олдинги натижалар; махражда - тажрибадан кейинги натижалар.
НГ-назорат гуруҳи, ТГ -тажриба гуруҳи. [n=40]**

Педагогик тажриба натижаларига кўра, тажриба ва назорат гуруҳларининг 7 ёшли гандболчилари ўртасида ўтказилган жисмоний ривожланишни аниқлаш бўйича тестларда статистик фарқлар кузатилмади. Педагогик тажриба охирида 8-9 ёшли гандболчиларнинг тана узунлиги, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси кенглиги, қўл кучини аниқлашга қаратилган ўнг ва чап қўл панжа кучи, ўпканинг тириклик сиғими кўрсаткичларида статистик фарқ кузатилди (5-жадвалга қаранг).

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги 7 ёшли гандболчиларнинг жисмоний ривожланганлик даражаси ўрганилганда 6 та назорат тестларидан фойдаланилди. Жисмоний ривожланиш даражаси бўйича статистик фарқлар кузатилмади. Тажрибанинг охирида тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасида ишончли фарқлар аниқланди [$p < 0,05$].

Тажриба ва назорат гуруҳлари 8 ёшли гандболчилари ўртасида жисмоний ривожланганлик даражаси ўрганилганда тажриба гуруҳидаги ёш гандболчиларда назорат гуруҳидаги ёш гандболчиларникига нисбатан сезиларли ўзгаришлар борлиги аниқланди. Тажриба охирида ўтказилган жисмоний ривожланиш бўйича аниқланган тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги статистик фарқлар тана узунлиги, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси, ўнг ва чап қўл панжа кучи, ўпканинг тириклик сиғими кўрсаткичлари бўйича қайд этилди [$p < 0,05$].

Тажриба ва назорат гуруҳлари 9 ёшли гандболчилари ўртасида жисмоний ривожланганлик даражаси ўрганилганда тажриба бошида олинган натижаларга нисбатан тажриба охиридаги натижалар тажриба гуруҳи ёш гандболчиларида назорат гуруҳидаги ёш гандболчиларникига нисбатан сезиларли ўзгаришлар борлигини кўрсатди. Жумладан, тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги статистик фарқлар тана узунлиги, гавда оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси, ўнг қўл панжа кучи, чап қўл панжа кучи ва ўпканинг тириклик сиғими кўрсаткичларида аниқланди [$p < 0,05$].

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, болалар-ўсмирлар спорт мактаби бошланғич тайёргарлик гуруҳида гандбол спорт тури билан шуғулланувчиларнинг гандбол техникаси элементларини ўзлаштириш жараёнида мавжуд воситалар билан махсус машқларни биргаликда қўллаш услубияти ёш гандболчилар жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди. Жумладан, қўл панжа мушаклари кучи кўрсаткичлари тажриба гуруҳи шуғулланувчиларида кўп ҳолларда назорат гуруҳидагиларга нисбатан юқори бўлди. Ўпканинг тириклик сиғими бўйича педагогик тажрибалар ўтказилгандан кейинги барча ҳолатларда тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига нисбатан сезиларли даражадаги статистик фарқлар борлиги аниқланди.

Бошланғич тайёргарлик гуруҳидаги 7-9 ёшли гандболчиларнинг тезкорлик, тезкор-куч, эгилувчанлик, чидамлилиқ, куч каби жисмоний сифатларининг ривожланганлик даражаси ва ҳаракат координацияси кўрсаткичлари баҳоланди.

7-9 ёшли тажриба ва назорат гуруҳлари ёш гандболчиларнинг тажриба боши ва охирида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	7 ёш				8 ёш				9 ёш			
			НГ		ТГ		НГ		ТГ		НГ		ТГ	
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$	t	p	$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$	t	p	$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$	t	p
1	Тана узунлиги	см	$126,7 \pm 0,7$ $134,2 \pm 0,8$	$127,7 \pm 0,3$ $133,4 \pm 0,5$	$3,16$ $4,79$	$<0,01$ $<0,001$	$134,2 \pm 1,1$ $137,9 \pm 0,2$	$133,4 \pm 0,8$ $138,2 \pm 0,4$	$3,46$ $4,29$	$<0,01$ $<0,01$	$137,9 \pm 0,9$ $138,8 \pm 0,2$	$138,2 \pm 0,8$ $139,4 \pm 0,3$	$4,65$ $4,71$	$<0,01$ $<0,01$
2	Гавда оғирлиги	кг	$27,4 \pm 0,6$ $29,1 \pm 0,4$	$27,6 \pm 0,8$ $29,9 \pm 0,1$	$2,23$ $3,76$	$<0,05$ $<0,05$	$30,2 \pm 0,3$ $32,6 \pm 0,2$	$30,8 \pm 0,6$ $33,9 \pm 0,5$	$2,12$ $3,87$	$>0,05$ $<0,01$	$33,1 \pm 0,5$ $35,2 \pm 0,3$	$34,5 \pm 0,7$ $36,7 \pm 0,9$	$3,08$ $4,28$	$<0,05$ $<0,05$
3	Кўкрак қафаси айланаси	см	$64,8 \pm 0,7$ $66,1 \pm 0,6$	$64,6 \pm 0,4$ $67,9 \pm 0,2$	$1,83$ $3,97$	$>0,05$ $<0,05$	$66,1 \pm 0,8$ $68,3 \pm 0,6$	$67,9 \pm 0,7$ $69,3 \pm 0,4$	$2,18$ $3,16$	$<0,05$ $<0,05$	$68,6 \pm 0,1$ $70,2 \pm 0,5$	$69,4 \pm 0,8$ $72,0 \pm 0,5$	$2,09$ $3,56$	$>0,05$ $<0,05$
4	Ўнг қўл панжа кучи	кг	$9,2 \pm 0,4$ $10,4 \pm 0,9$	$9,4 \pm 0,7$ $11,9 \pm 0,6$	$0,66$ $1,46$	$>0,05$ $>0,05$	$10,4 \pm 0,9$ $12,1 \pm 0,6$	$11,9 \pm 0,8$ $13,2 \pm 0,1$	$1,59$ $3,78$	$>0,05$ $<0,01$	$12,1 \pm 0,9$ $13,5 \pm 0,3$	$13,2 \pm 0,6$ $16,1 \pm 0,4$	$1,89$ $2,86$	$>0,05$ $<0,05$
